Халқ зиёлилари рўзномаси

# Маърифат معرفت MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 11 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

№ 55 (6566).
Баҳоси сотувда эркин нархда.

## МОСКВАДАГИ УЧРАШУВ:
# АСОСИЙ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ

**Россия ва Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Москвадаги учрашуви энг муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланди. Унда Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги ҳозирги кескин вазиятни барқарорлаштириш йўллари белгиланибгина қолмай, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик учун чинакам истиқболлар ҳам белгилаб олинди.**



Россия Федерацияси пойтахтидаги учрашувда қатнашган давлат бошлиқлари иқтисодий масалаларга бағишлаб учрашув ўтказиш зарурлиги ҳақида Ҳамдўстлик мамлакатларининг барча раҳбарларига мурожаатнома, МДҲ чегараларининг дахлсизлиги ҳақида баёнотнома, Тожикистон—Афғонистон чегарасидаги вазиятни изга солиш чоралари тўғрисида баёнот, Афғонистон билан чегарада вазиятнинг кескинлашгани тўғрисида БМТ Бош котибига Мурожаатнома қабул қилдилар. БМТ Бош котибига Мурожаатномада можаро давом этаётган жойга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчиларини юбориш илтимос қилинган.

Имзоланган ҳужжатлар рўйхатининг ўзи Москвада давлат бошлиқлари тўла ҳамжиҳатликка эришганликларини кўрсатиб турибди. Июль ойининг охирида Алматида музокара олиб борган Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев шу учрашув ташаббускори бўлгани ҳаммага маълум. Улар Алматида Ҳамдўстлик мамлакатларининг барча раҳбарларига Мурожаатнома қабул қилган эдилар. Россия, Қирғизистон ва табиийки, Тожикистон бу Мурожаатномага дарҳол жавоб қайтардилар. Туркманистон эса ўзи ўтказаётган сиёсатдаги анъанага мувофиқ Москвага кузатувчи юбориш билан чекланиб, бетараф бўлиб турибди.

Аввалига кўпгина шарҳловчилар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Россия пойтахтига келишини навбатдаги учрашувлардан бири. бу учрашув МДҲ ҳали ҳам мавжудлигини, собиқ Иттифоқнинг мустақил республикалар ўртасидаги муносабатларда аҳиллик кўзга ташланаётганлигини кўрсатишдан иборат бўлади, деб ҳисоблаган эдилар. Кўриниб турибдики, бундай тахминлар асоссиз бўлиб чиқди.

Бунинг устига, муайян «демократик» кучлар Ислом Каримовнинг учрашувга келиши арафасида можаро чиқаришга уриниб кўрдилар. Бир қанча нашрларда Тоғли Бадахшон раҳбариятининг гапларига асосланиб, шов-шувга сабаб бўладиган янги хабар босилиб чиқди: Гўёки Ўзбекистоннинг белгилари туширилган ҳарбий самолётлар тоғдаги қишлоқларни бомбардимон қилаётган, қуролсиз кишилар ҳалок бўлаётган эмиш!

— Бундай тутуриқсиз гапларни тутуриқсиз одамларгина тарқата олади,— деди Ўзбекистон Президенти бу хусусда қатъият билан.— Тўғри, қўшни Тожикистондаги вазиятга биз бефарқ қараб тура олмаймиз. Лекин, фақат Тожикистон халқининг ўзи муаммоларни ҳал этиши, тараққиёт йўлини танлаб олиши лозим! Мустақил давлатнинг ички ишларига ҳарбий йўл билан аралашиш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳақиқатан ҳам, кейин раддия эълон қилинди: Тоғли Бадахшондаги қишлоқларни чиндан ҳам МИГ-21 самолётлари бомбардимон қилган экан. Марказий Осиё давлатларининг армиясида эса, бундай самолётлар йўқ. Чамаси, Афғонистон ҳудудидан учиб келган самолётлар ҳужум қилган. Бундай самолётлар ўша ердаги аэродромларда бор.

Россия пойтахтига Нурсултон Назарбоев бир кун олдин етиб келиб, Борис Ельцин билан унинг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида яккама-якка суҳбат ўтказганлиги ҳам кузатувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айрим кузатувчилар буни Назарбоевнинг Россия бошлиғига тазйиқ ўтказиб, уни Марказий Осиё давлатлари томонига оғдиришга интилиши, деб ҳисобладилар.

— Бунақа гап бўлган эмас,—деди Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда.— Москвада тўпланиш ташаббуси Борис Николаевичнинг ўзидан чиққан. Музокара арафасида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувимизга келганда эса, бунинг сабаби битта, яъни, Россия билан Қозоғистон ўртасидаги икки ёқлама шартномани имзолаш эди!

...Еттинчи август куни эрталаб Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Кремлга келдилар. Борис Ельцин билан салом-аликдан сўнг уч давлат бошлиқлари Екатерина даврида қурилган ҳашаматли меҳмонхонага йўл олдилар.

— Имомали Раҳмонов қаерда, Асқар Акаев нега келмади?— деб ҳайрон бўлишар эди журналистлар. — Наҳотки улар учрашувга таклиф этилмаган бўлса?

Ярим соатдан сўнг бу саволларга жавоб олинди. Асқар Акаев билан Имомали Раҳмонов мутахассислар ҳамроҳлигида Кремлнинг Екатерина залига олиб борадиган баланд зинадан шошилиб чиқиб боришарди. У ерда беш раҳбарнинг музокаралари ташқи ишлар вазирлари ва мудофаа вазирлари иштирокида давом эттирилди.

Ҳар ҳолда, олий даражадаги учрашув нима учун уч раҳбарнинг яккама-якка суҳбатидан бошланди? Кейинчалик маълум бўлишича, унда ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик, Россия марказий банкининг яна кутилмаган тадбирларни амалга оширишига йўл қўймаслик масалалари муҳокама қилинган. У ерда А. Акаевнинг иштироки шарт эмасди, чунки, Қирғизистон ўз миллий валютасини жорий этган. У фақат чегараларни сақлаб қолиш ҳамда МДҲ доирасида коллектив хавфсизликни мустаҳкамлаш муаммоси ҳал этилишидан манфаатдор эди.

Имомали Раҳмоновга келганда шуни айтиш кераккки, Тожикистондаги мураккаб сиёсий ва иқтисодий вазият бу республика раҳбариятига ҳеч қандай муқобил йўл қолдирмаяпти. Рубль — Тожикистон учун бирдан-бир мақбул валюта. Унинг меъёрий муомалада бўлиши, ёки, жоиз бўлса, мустаҳкамланиши учун Тожикистонда мустақил равишда ҳозирча ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Бу республика ҳамдўстликдаги қудратлироқ ва барқарор давлатлар изидан боришга мажбур бўляпти. Унинг яқин «қўшнилари — Ўзбекистон билан Қозоғистон ана шундай давлатлардир.

Уч давлат раҳбарларининг учрашуви чоғида Борис Ельцин қисқача баёнот берди. Унинг мазмуни қуйидагича: Тожикистон—Афғонистон чегараси фақат Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг эмас, айни пайтда Россиянинг чегараси ҳамдир. У ерда барқарорликка эришиш учун шу чегарадаги мусулмон давлатларининг, яъни, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларнинг раҳбарлари билан бир стол атрофида ўтириб музокара бошлаш зарур. Тожикистон раҳбарияти ички муаммоларни сиёсий йўл билан, биринчи навбатда мухолиф кучлар билан мулоқот бошлаш йўли билан ҳал этиши лозим. Лекин, Россия бошқа барча манфаатдор мустақил республикалар каби чегарани мустаҳкамлаши, одамларнинг ҳалок бўлишига ва қон тўкилишига йўл қўймаслиги керак.

Ҳозир Россия пойтахтидаги учрашув муваффақиятли ва самарали бўлди, деб ишонч билан айтиш мумкин. МДҲ давлатлари бошлиқларининг амал қилмаётган юзлаб ҳужжатлар қабул қилинган кенгайтирилган мажлисларидан фарқли ўлароқ, бу ерда ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Бу қандай йўналишлар?

— Москвадаги учрашув Тожикистон муаммоси ҳамда унинг Афғонистон билан чегарасидаги кескин вазият доирасидан анча ташқарига чиқиб кетди,— деди Ислом Каримов.— Биз иқтисодий масалаларга катта эътибор бердик. Энг муҳими шундаки, барча давлат бошлиқлари ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарур,— деган якдил фикрни айтдилар. Ўзбекистон ҳам Қозоғистон каби рубль зонасида қолади. Бу халқларимизнинг манфаатлари ва орзу умидларига мос бўлиб тушади. Бунинг устига, Россия Федерациясининг раҳбарияти марказий банк йўл қўйгани каби молиявий тартибсизликларга энди ҳеч йўл қўйилмайди. деб ишонтирди. Лекин, бу— биз ўз миллий валютамизга ўтмаймиз, деган гап эмас. Бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда. Лекин, Ўзбекистон ҳам Қозоғистон каби ўз валютасини жорий этиш учун зарур шароитни яратгани йўқ. Шошма-шошарлик билан ҳаракат қилишга не ҳожат? Ахир, бундай ҳаракат дарҳол миллионлаб одамларнинг тақдирига таъсир этади-ку!... Биз уч мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик йўлларини белгилаб олдик. Лекин, бундан рубль зонаси эндиликда ҳамдўстликнинг бошқа республикалари учун бер-китиб қўйилди, деган маъно чиқмайди.

Энди Тожикистон муаммоси ҳақида. Бу муаммо бугун минтақавий зиддиятдангина иборат эмас. Гарчи чегарада давом этаётган бўлса ҳам, бундай шароитда урушга йўл қўйиб бўлмайди. Фақат мухолиф кучлар ҳамда қўшни давлатлар раҳбарлари билан сиёсий мулоқотгина «Жафокаш тожик диёрида тинчлик бўладими ёки йўқми?» деган ҳаётий муҳим саволга жавоб бериши мумкин.

...Шундай қилиб, Москвадаги учрашув тугади. Учрашувда қатнашган давлат бошлиқларининг таклифига биноан Россия пойтахти етилган иқтисодий масалаларни ҳал этиш, меъёрий ва маърифий ҳамкорликка эришиш учун еттинчи сентябрь куни Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларини кутиб олишга тайёрдир. Ҳозир бундан бошқа йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас!

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Москва.**

**Суратда:** уч йирик давлат: Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон раҳбарлари учрашувда.

**А. ҒИЁСОВ олган сурат. (ЎзА).**

---

# ТАЪЛИМ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Республика «Ўқитувчилар уйи» ишга тушгандан кейин маориф тарихи музейини бунёд этиш муаммоси кўтарилган эди. Шу тариқа музей учун учта катта хона ажратилиб, ҳужжатларни излаш ишлари бошланиб кетди. Музейнинг кўрсатма сценарийси яратилди ва муфассал муҳокамадан ўтказилди. Музей асосан беш бўлимдан иборат.

Бу бўлимларда бешта давр билан боғлиқ археологик ёдгорликлар, ашъёлар, ҳужжатлар, суратлар, архив маълумотлари, атоқли педагоглар ва уларнинг мемориал буюмлари, давлат ҳужжатлари расмий қарор ва Президент фармойишлари, китоб, дарслик, рўзнома ва журналлар намойиш этилади.

Ҳозирги кунда маориф жонкуярлари ўзларининг ҳужжатларини, орден ва медалларини, турли хил буюмларини, музейга қўйиш учун олиб келиб топширмоқдалар. Биз ҳар бир кишидан музей учун керакли бўлган буюмлар, китоб ва ҳужжатларни сотиб олишга тайёрмиз.

Республикамизда халқ маорифи тарихи музейи яратилишини халқимиз маданий ҳаётида катта воқеа деб англамоқ керак. У яқин кунда истиқлол мафкурасини тарғибот қилувчи марказлардан бирига айланади.

Музейда Президентимиз И. А. Каримовнинг халқ таълимини ривожлантиришга оид фармонлари кенг тарғибот қилинади, илғор ўқитувчиларнинг бой тажрибалари оммалаштирилади ва ёш авлодимиз учун миллий қадриятларимизни эгаллашга кенг йўл очилади.

Ўзбекистон халқ маорифи тарихи музейини яратишдек савобли ишга қатнашган ва қатнашаётган ҳар бир муаллимга, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ташкилотларга, айрим савдо ва тижорат ходимларига олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,**
**Республика «Ўқитувчилар уйи» директори, профессор.**

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

**Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дастури ва режаси.**

* * *

**«Чизмачилик ўқитиш концепцияси» лойиҳаси.**

* * *

**Ватан тарихи:**

**Янги фан — иқтисодий билим асослари.**

---



МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ



# ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ — ДАВР ТАЛАБИ

**Республикамиз мустақилликка эришиб, минг бир машаққат ила улуғ боболаримиз, жаҳонгашта алломаларимизу буюк соҳибқиронларимиз орзу қилган истиқлолни қўлга киритди. Бугун эса халқимизнинг азалий маънавий устунлари мададкор бўлиб, улуғ байрам — мустабидликдан озод бўлган куннинг икки йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Албатта, озод юртнинг илк одимлари, тетапоя бўлиб бола босган қадам сингари анча машаққатли, серташвиш. Айниқса, бозор иқтисоди шароитларининг айрим инжиқликлари, кўндаланг бўлаётган бир қатор муаммолар айнан шу даврга тўғри келмоқда.**

**Эндиликда давр эса биздан сабр-тоқатни, изланиш ва яратувчанликни, матонат ҳамда қатъийликни, шароитга қараб иш тутишни эмас, ўз йўлида улкан ишларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шубҳа йўқки, халқ таълими тизимидагилар олдида ҳам қатор масъулиятли вазифалар турибди.**

**Бугун бозор муносабатларини шакллантириш, ёшларни бу жараёнга ўргатиб бориш хусусида гап кетаркан, янги ўқув йилидан бошлаб барча таълим муассасаларида «Иқтисодий билим асослари» фанининг киритилаётгани қувонарли ҳол.**

**Мухбиримизнинг Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги педагогика таълими ва фани Бош бошқармасининг бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Собир Дадабоевич Зиёев билан қилган суҳбати айнан шу мавзуда бўлди.**

**— Собир Дадабоевич, маълумки, шароитнинг ўзи одамлардан интилиш, изланишни талаб этмоқда. Эски ақидаларга кўра замон сенга боқмаса, сен замонга боқ қабилида эмас, балки даврга қараб, янгича йўналишда ёшларни тарбиялаш, уларни шу даврнинг ҳақиқий эгалари қилиб етиштиришни тақозо этмоқда. Шундай экан, «Иқтисодий билим асослари» фанининг барча таълим муассасаларига киритилиши ҳам шунчаки табиий ҳол бўлмаса керак.**

— Маълумки, айни пайтда ҳар жиҳатдан мустақилликка эришиб олдик. Кўриб турибсиз, бизнинг бу мустақиллигимиз кимларгадир ёқмаётганлиги, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам орқаворотдан тош отаётганлар ҳам таассуфки, йўқ эмас. Ана шунинг учун ҳам гап мустақилликка қандай эришганлигимизда эмас, балки унинг пойдеворини қайси йўл билан мустаҳкамлаб боришимиз ҳақида бормоғи керак. Бугун ана шу озод юртнинг муаллимлари олдида ҳам улкан ва масъулиятли ишлар турибди.

Эндиликда бозор иқтисоди шароити хусусида турлича қарашлар, фикр юритишлар мавжуд. Ҳар бир шароитни эса хоҳ у хоҳ бу маънода бўлсин биров келиб яратиб бермайди. Шу бойс ҳам иқтисодчи мутахассисларни жамлаб, мактабга, ўқувчи ва талабаларга бозор муносабатларини ўргатадиган янги «Иқтисодий билим асослари» фанини яратишга киришилганди. Ниҳоят, у қисман бўлса-да, шаклланди. Янги ўқув йилидан бошлаб бу фаннинг барча мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, педагогика олий илмгоҳлари, билим юртлари ҳамда педагогика билим юртлари талабаларига дарслик сифатида киритилаётгани айни муддао.

Шу ўринда талабаларга сабоқ беришда мутахассислар масаласи қандай ҳал бўлади, деган саволнинг туғилиши табиий. Масаланинг бу жиҳатларини инобатга олиб, барча вилоят ва шаҳарлардан халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида ҳамда вилоятлардаги малака ошириш институтларида етакчи иқтисодчи мутахассислар раҳнамолигида курслар ташкил этилди. Ҳозир ҳам бу курслар фаолият кўрсатаяпти.

Иқтисодиётни таълимда қўллаш фақат шу билангина чегараланмайди. Иш энди бошланди. Яратилаётган барча турдаги дарслик ва дастурлар йил давомида амалда қўлланилиб, такомиллаштирилиб борилади. Ҳар бир дарсликнинг самараси, ўқувчига бераётган маънавий озиғи ўрганилиб борилади.

«Иқтисодий билим асослари» фани фақат ижтимоий фанлар таркибида бўлмай, география, тарих, физика, математика, тиббиёт ва ҳунар-техника фанларида ҳам чуқур қўлланилиб боради.

Хуллас, «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитиш шунчаки, табиий ҳол бўлмай, шароитдан келиб чиқиб, янги замон кишисини тарбиялашда муҳим омил бўлади, деб ўйлайман.

**— Педагогика билим юртларида янги фанни ўқитиш, чунончи, бўлажак педагог мутахассисларни тайёрлашда иқтисодий билимларни ўргатиш масаласида қандай тадбирий ишлар қилиш кўзда тутилмоқда?**

— Бозор иқтисоди шароити, жамиятимизнинг иқтисодий ҳаётида бўлаётган чуқур ўзгаришлар бизни ҳар жиҳатдан жиддий ўйлашга мулоҳаза юритишга даъват этмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб, барча педагогика билим юртларимизда бир неча мутахассислик бўйича талабаларга билим берилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

---

# БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллик байрам шодиёнаси нишонланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Жойларда ана шу санани муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Республика ўқувчилар саройида бўлиб, у ерда байрамга қандай ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида сарой директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Олияхон Иброҳимова билан суҳбатлашди.**

Республикамиз мустақиллигининг икки йиллик тўйига тайёгарлик ишлари йил бошиданоқ бошлаб юборилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги — буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг» сингари рисолаларини болалар, ўқитувчи-методистлар, мураббийлар ўртасида ўргандик ва муҳокама қилдик. Мадҳиямиз, Гербимиз, Байроғимизни ташвиқот қилувчи методик қўлланма чиқарилди. Мактабларда, мактабдан ташқари болалар муассасаларида намойиш қилиш учун байрам сценарийлари тузилди.

Яқинда саройимизда ёшлар ижодий кўргазмаси очилади. Унда болаларнинг мусаввирлик ва халқ амалий санъатини қай даражада ўрганганликлари намойиш қилинади. «Чаман» болалар фольклор-рақс дастаси, «Юлдуз» ўйин дастаси, доира ва карнай-сурнай дасталарининг қатнашчилари Мустақиллик куни ўтказиладиган байрам тантаналарида иштирок этишади.

Олтин кузнинг биринчи ҳафтасини Мустақиллик байрами ҳафтаси деб эълон қилдик. Ўша кунлари барча даста аъзолари жойларга боришиб, ўз дастурлари билан тенгдошларини хушнуд этишади.

Даста аъзолари Тошкент шаҳридаги 21-болалар уйига ҳам ташриф буюрадилар. У ерда улар Мустақиллик байрами арафасида ва сентябрь ойида таваллуд топган болаларга ўзлари ясаган ўйинчоқларни туҳфа қилишади, дилрабо куй ва жозибали қўшиқлари ҳамда шўх рақслари билан улар дилига завқ-шавқ улашишади.

**Суҳбатдош Дилбар ҲЎЖАЕВА.**

### БАҲОВУДДИН НАҚШБАНДНИНГ 675 ЙИЛЛИГИГА

# КАРОМАТЛАРИ ЗОҲИР БЎЛГАН АВЛИЁ

«Рўзғор муқтадоси» — шайхлар йўлбошчиси, «Жаҳон мулки нигоҳбони» ва бошқа кўплаб табаррук номларга сазовор бўлган Баҳовуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий — Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг тасаввуф тарихида тутган ўрни алоҳида эътиборга лойиқ.

Тасаввуфнинг ўзи нима? Тасаввуф кўп қиррали, бир сўз билан жавоб қайтариш осон бўлмаган мураккаб таълимотлар. Тасаввуф Навоий таърифича, софлик, Беруний таъкидича, ҳикматни суюшлик ва ҳоказо. Ана шу жумбоққа Шайх Абусаид Абулхайрдан жавоб кутганида «Бошингда не бўлса чиқариб ташлаш, Қўлингда неки бор қўлдан чиқазиш ва бошқалардан сенга нима озор етса ранжимаслик» деганини Жомийнинг «Баҳористон» асаридан ўқишимиз мумкин.

Хўш, Нақшбанд таълимотининг моҳияти нимадан иборат? Аввало, бунинг учун Нақшбанд лақаби унга ана шу тариқат — йўлнинг баъзи асосларига таяниб, бошқалар томонидан берилган номлигини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, «нақшчи» маъносига тўғри келадиган сўз «нақш» ва «банд» — нақш боғлаш демакдир. Баҳовуддин Нақшбанд тариқатининг моҳияти: «Дил худо учун, қўл эса иш учун» («Дил ба ёру, даст ба кор»)! Унингча, худо бор ва худо инсон зоти кўриб турган барча нарсаларда яширинган. Ҳаётда содир бўлиб ўтувчи ҳар бир воқеа худонинг назаридан четда қолмайди. Шунинг учун дилга доимо худони жо қилиш керак. Айни пайтда, ўз қўл кучи билан ҳалол тирикчилик ўтказиш шарт. Шу тариқа бахтиёр, шод-хуррамликда ҳаёт кечирмоқ лозим.

Баҳовуддин Нақшбанд таркидунёчилик, хилватда яшаш ғояларини қоралаб, дунё лаззатларидан баҳраманд бўлиб, табиат гўзалликларидан завқ олиб, ҳаётни шодлик ва хуррамликда ўтказиш кераклигини таъкидлади. Шулардан энг асосийси: дилдан худони чиқармасликни, худо, ҳаёт ва табиат билан биргаликда яшаш лозимлигини уқтиради.

Баҳовуддин Нақшбанд — кароматлари зоҳир бўлган авлиё. Олдиндан шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг кароматлари кимларгадир афсонадек туюлиши мумкин. Аммо ҳар қандай афсонада, авлиёликда, валийликда гап кўп. Унинг биринчи каромати шундай зоҳир бўлган:

Бухорога Самарқанддан уч киши келади. Улардан бири новвой, бошқаси дўкондор, кейингиси баззоз эди. Бир пайт новвойга қазо вақти келганини олдиндан билган Нақшбанд унинг олдига бориб: «Ё новвой, менга Аллоҳ йўлига нон бер», — дейди. Лекин у нон бермайди. Қазо тобора унга яқинлашмоқда эди. Иккинчи, учинчи марта нон сўраганида, у озгина нон беришга мажбур бўлади. Хожа нонни осмонга отиб: «Ё новвой, бу нонни ўзим учун эмас, балки ўзинг учун тилаган эдим. Ҳаво юзига қарагин», — деди. Новвой осмонга қараса, бир қора булут ерга тушмоқчи бўлиб турган экан. Лекин бояги бир парча нон ўша қора булутни ерга туширмай тўсиб турган эди. Шунда Хожа ҳазратлари пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисини ўқиди: «Садақа расулуллоҳи-л-балойан». Шунда новвой ёқасини йиртиб, фарёд айлаб, ҳожанинг олдига бориб мурид тушган экан.

Иккинчи кароматнинг зоҳир бўлиши: юқоридаги уч киши ака-укалар экан. Новвой уларнинг кенжатойи бўлиб, Хожанинг кароматини акаларига бориб айтибди: «Мен ўзимни ўлганга солай. Мени тобутга солиб, Хожанинг олдига олиб боринглар. Агар у менга жаноза ўқиса, тирик одамга нимага жаноза ўқийсан, деб ёқасига ёпишинглар». Ака-укалар шу маслаҳат билан тирик одамни тобутга солиб, Хожанинг уйи тўғрисига келиб, тобутни қўйиб, уни жаноза ўқишга чақирибдилар. Хожа чиқиб, жаноза ўқибди. Дўкондор тирик кишига нимага жаноза ўқийсан, деб хожанинг ёқасидан олибди. Шунда Хожа: «Эй, нури дийдам, болам, тобутга бориб ичини қарагин», — дебди. Тобутни очиб, ичига қарасалар, ука ўлиб, суяклари қотиб ётган эмиш. Дўкондор ўзини ҳожанинг оёқлари остига ташлаб, минг бор узрлар сўраб, энди дуо йўли билан ўликни тирилтириб беришни илтижо қилади. Хожа ҳазратлари дуо ўқиб, ўликни тирилтирадилар. Барча жамоа Хожанинг ҳақ авлиё эканини билиб, «Хожаул-ҳаққ ва-д-дин» деб атадилар.

Учинчи машҳур каромат. Бухоро дарёсининг суви камайиб, экинлар яхши битмаган, алқисса, етти йилгача очарчилик бўлган замонлар. Ҳатто бир ҳовуч буғдой бир тилла бўлган, ошиқлар ишқни унутган даврлар. Хожа буғдой сотувчи дўкондор қошига бориб, бир ҳовуч буғдойни дастор ва чопонига алмаштириб сотиб олади. Хожа буғдойни олиб, уйга келади. Унинг Аҳмар исмли бир девонаси бор бўлиб, иккаласи далага чиқдилар. Хожа ўзини «ҳўкиз» қилиб, девонасига «Мени қамчи билан уринг, буғдой экамиз», — дейди. Девона Хожани қамчилай бошлайди. Хожа ҳазратлари далада югуриб, бояги бир ҳовуч буғдойни ерга сепа бошлади. Хожа ўтган жойлардан буғдой униб, етилиб, хирмон тоғдай бўлиб турган эмиш. Хожа «Халқни чақиринг, буғдойдан нафақа олишсин», — деди. Девона халқни чақириб, уларга буғдой улашибди. Тақдир тақозоси билан Хожа Баҳовуддин шу куни кечаси оламдан ўтган эканлар.

Энди Ҳазратнинг қуйида оламда яшаш моҳиятининг асосий тўрт шарти ҳақидаги фикрлари устида мухтасар тўхталсак. «Чеккада ўтириб мажлисни кузатмоқ» — («Хилват дар анжуман»). Инсоният жамиятида хилватда, инсонлардан алоҳида ажралган ҳолда яшаш мақсадга мувофиқ эмаслигини алоҳида таъкидлаган Нақшбанд инсонлар ўртасида фаол муносабатда, қизғин, фойдали суҳбатда бўлиш лозимлигини уқтиради. Инчунин, кўпчилик ўртасида яшагандан кейин, ҳеч кимга қарам ҳам бўлмаслик керак. Бунинг учун дилга худони жо қилиб, ҳалол ризқ-рўз топиш, бирор фойдали меҳнат билан ҳаёт кечириш мақсадга мувофиқдир. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Нақшбанд ва унинг шогирдлари қўл кучи билан ҳалол меҳнат қилиб, деҳқончилик орқасида кун ўтказишган. Ҳаром ва миннатли нарсалардан доимо ўзларини тийганлар. Бир сўз билан айтганда, улар фақирликдан ҳузур-ҳаловат олганлар.

Биринчи шартнинг мантиқий давоми бўлган «Ватандан сафар қилмоқ» — («Сафар дар Ватан»)дир. Нақшбанд таъкидича, инсон доимо ҳаракатда бўлиши, бир ерда муқим турмаслиги, сафарларда, сайру саёҳатда бўлиб, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлмоғи керак. Инсон ўзи яшаётган дунёни, унинг бойликларию гўзалликларининг қадрига етмоғи лозим. Бу дунё ғамхона эмас, умрни шод-хуррамликда ўтказиш жоиз, акс ҳолда бу худо олдида нонкўрликдан бошқа нарса эмас.

Шунинг учун «Ҳар қадамни ўйлаб босмоқ» («Назар дар қадам») керакдир. Бу ўгитда катта маъно бор. Зеро, инсон ҳаётга келар экан, бу умрни мазмунли ва мароқли ўтказиши, бу ҳаётдан бошқаларга заррача ёмонликлар етмаслиги шарт. Бунинг учун инсонда масъуллик ҳисси кучли бўлиши, ҳар бир қадам эзгулик сари босилиши нур устига аъло нур. Мабодо инсон назари ўткир ва кенг қамровли бўлса, ҳар бир қадамни ўйлаб босишга ҳеч ҳожат йўқ.

Баҳовуддин Нақшбанд мазҳабининг тўртинчи шарти «Ҳар дамни хуш ўтказиш» («Хуш дар дам»)дир. Бу ғояда инсон зотини комилликда кўриш, кишилик ҳаётини эъзозлаш олдинги ўринда туради. Зотан, олам гўзалликларга, нознеъматларга, шодликларга бойдир. Ана шуларнинг барчаси комил инсон учундир. У ҳар дамни ғанимат билиб, табиат ато этган лаззатлардан бебаҳра қолмаслиги керак. Бироқ инсон ўз табиатига зид бўлган иллатлардан фориғ бўлмоғи, бош тортмоғи лозим. У ақл-заковатини ишга солиб, сиҳат-саломатлиги учун нимаики зид бўлса, ўша иллатлардан қутулмоғи дуруст. Билъакс, инсон нафсини тиймоғи, мол-дунёга ҳирс қўймаслиги ҳам керак.

Нақшбанд мазҳабининг ана шу тўрт шартини тўла адо этган инсон Навоий таъбири билан айтганда, «рубъи маскун» — ер юзида улуғ давлатга эришади. Зеро, Навоий пири Абдураҳмон Жомий орқали расмий равишда нақшбандийлик мазҳабига кирган. Жомий эса нақшбандийлик тариқатининг буюк вакили сифатида шуҳрат топган ва пирлик мавқеига эришган.

Шарқ мамлакатларида Юсуф Ҳамадоний, Ҳазрати Ғавсул Аъзам, Саййид Абдулқодир Гилоний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Убайдулло Аҳрор, Хожа Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад Мусо, ат-Термизий каби алломалар қаторида Баҳовуддин Нақшбанд ҳам ҳурфикрлиликнинг асосчиси ва тарғиботчиларидандир. У ҳижрий 718 (милодий 1318) йили Бухоро атрофидаги Қасри Орифон қишлоғида туғилди. Уч кунлик чақалоқлик кунида Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий томонидан маънавий фарзандликка қабул қилинди. Болани тасаввуф йўлида доимий тарбия қилиб боришни эса у Саййид Амир Кулолга топширади. Етти ёшга етганида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олиб бўлган эди. Ёшлик чоғларидаёқ у олдига келаётганларни бир қарашда жойида тўхтатиб қўяр, булутларга боқиб, уларнинг парвоз йўлларини ўзгартириб юборар эди. 11 ёшга етганда кўплаб билимлар эгаси бўлиш билан бир қаторда, у Аҳмад Яссавий, Шайх Азиз — Рометаний ва бошқа алломаларнинг асарларини ўқиб ўрганди. 17 ёшида тушида Ҳизр алайҳиссаломни кўрди. Шайх Азизхоннинг кулоҳини кийиб, дуолар ўқиганида касал одамлар шифо топдилар. Энди унда валийлик сифатлари кўрина бошлади. Муқаддас руҳлар билан алоқалари кучайди. Турли кароматлар, мўъжизалар кўрсата бошлади. Халқ ўртасида иззати ортиб, шогирдлари кўпая бошлади. Кейинчалик уч йил сафар — саёҳат қилиб, муқаддас Ҳажга боради. Бу даврларда у дунёнинг кўплаб мамлакатларини пиёда кезиб, турли кутубхоналардаги китоблар, қўлёзмалар билан танишиб, тасаввуфга оид ўз билимларини янада бойитади. Нақшбанд умри давомида уч марта Ҳажга сафар қилган.

Шундай сафарлардан бирида у Сарахсда эканлигида Ҳирот ноиби Нақшбандни асҳоблар мажлисига таклиф этади. Мажлисда олимлару фозиллар ҳозир эдилар. Суҳбатдан сўнгги меҳмондорчилик вақтида Хожа ҳазратлари фақат чой ичиб, таомларга қўл тегизмай ўтирадилар. Бунинг боисини сўраганларида «Биз оддий фуқаро ва дарвешларга бундоқ тансиқ ва ноёб таомлар емак матлуб эмасдур. Ҳалойиқ ўйламасмуки, шайхимиз замонасозлик қилиб, бу дунёга кўнгил бергонлар ила бир табақдин таом ейдур деб?».

Кунлардан бир кун кечаси Нақшбанд ғайб оламига кириб, Бухорои шариф атрофидаги азиз авлиёларнинг мозорларини айланиб юрган чоғида ғайб олами аҳллари билан учрашув юз беради. Шу кеча унинг кўзига азиз-авлиёларнинг пирларидан бири Абдулҳолиқ Ғиждувоний шогирдлари даврасида намоён бўлади. Ул зот шу кеча Нақшбандга илми ғайб сирларини ўргатиб, сўфийлар зикрининг «аввали, ўртаси, охири» қандай бўлишини тушунтиради. Ўша кундан бошлаб Нақшбанд ва унинг шогирдлари зикри хилватга амал қила бошладилар.

Манбаларда битилишича, Нақшбанд умрининг интиҳоси яқинлашаётганини сезиб, Бухородаги карвонсаройлардан бирига қўнади. Жони узилаётган лаҳзада у жойнамоз устида фотиҳага қўл очиб, узоқ ўтириб қолади. Шу тариқа унинг руҳи фоний дунёдан боқий дунёга кўчади. А. Навоий «Насойимул — муҳаббат» номли асарида: «Алар етти юз тўқсон бирда (милодий — 1391), робиу-л-лаввал ойининг учида, душанба кечаси (73 ёшда) оламдан ўтубтурлар», — деб Нақшбанд вафоти йилини ёзиб қолдирган.

Орадан 675 йил ўтишига қарамай, Нақшбанд таълимоти ўзининг умрбоқийлиги билан қалбларга зиёбахш нурини сочиб келмоқда. Бу зиё бундан буён ҳам мустақил республикамиз узра таралаверсин!

**БАҲОДИР ҲАБИБ ВАЛИЙ — Алишер Навоий номли давлат адабиёт музейининг илмий ходими.**

**МАҲМУДА ЗОИРХОН қизи — Тошкентдаги 274-мактабнинг она тили ва адабиёт муаллимаси.**





**Шу кунларда унутилаёзган азалий урф-одатларимизга, расм-русумларимизга меҳр-муҳаббат тобора ошмоқда. Болалар боғчаларидан бошлаб ўша миллий қадриятларимизни жажжиларга сингдириш эса, уларнинг умрбоқийлигини таъминлайди. Зангиота туманидаги 23-болалар боғчасида бу борада қилинаётган ишлар мақтовга лойиқ.**

**ТАСВИРЛАРДА: боғча ҳаётидан лавҳалар.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

---

*• Акс садо*

# ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИНИ ҚЎМСАБ

«Маърифат» рўзномасининг шу йил 7 апрель сонида Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти одобнома куллиётининг доценти, марҳум, Ёқуббек Яквалхўжаевнинг «Мен соғинган ва унутган дунё» мақоласи эълон қилинди. Ушбу мақола кўплар қатори менда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллиф ўзининг ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳозирги маорифимизнинг оғриқ томонларини, таълим-тарбияда йўл қўйган хатоларни, уларни бартараф этиш йўлларини, инсон, инсонийлик, меҳр-оқибат, қадрият, миллий ифтихор каби умуминсоний тушунчаларнинг моҳиятини ишонарли мисоллар билан ёритган. Энг асосийси жон куйдириб «йўқотган ва йўқола бошлаган қадриятларимизни қайта тикламоқ» йўлларини қидиришга ҳаммамизни сафарбар этишга жазм этгани аниқ кўриниб турибди. Менинг назаримда биз энг аввало, инсонни инсонийликка олиб борадиган йўлларни йўқотдик...

Шоядки ушбу мақола ҳам муаллиф томонидан саволларга баҳолиқудрат жавоб бўлса.

Отам Улуғ Ватан урушидан қайтмаган. Дийдорларини кўриш ҳам насиб этмаган. Онам икки ёшида онадан, йигирма бешда отадан, йигирма тўққизда турмуш ўртоғидан жудо бўлган. Муҳтарамаи волидам бизларни боқиш учун саҳардан то шомгача тер тўкиб далада меҳнат қилганлар.

Биз кўпроқ бувим билан қолардик. Фикрлари теран, саводли, ўқимишли аёл эдилар. Атрофларига тўплаб Фузулий, Шоҳ Машраб, Иброҳим Адҳамдан ўқиб, тушунмаган жойларимизни изоҳлардилар. Мен кўпроқ Иброҳим Адҳамдан таъсирланардим. Қайта-қайта ўқиб беришларини бувимдан илтимос қилардим.

Баъзан ўйга толаман. Бувим шунчалик таъсир кучни қаердан олган экан. Не илож, кеч бўлса ҳам энди тушундим. Бувиларимизнинг эртаклари, оналаримизнинг алласи, нуроний боболарнинг ўгитлари шундай бир ички қувватга айланган эканки, қалбимиздаги инсонийлик уруғлари униб чиқишига туртки бўлган. Қалбларимизга илиқлик бағишлаган заррин нурлар. Катта ҳаёт йўлига олиб чиқадиган сўқмоқлар.

Афсуски, муайян давр ичида ҳозирги авлод ана шу заррин нурлардан бенасиб, бебаҳра бўлди. Қалбининг бир бурчагида қоронғулик пайдо бўлди.

Хайриятки, истиқлол, ўша мўъжизакор, вужудимизни бир умрга сеҳрлаб қўйган нурларнинг янгидан таралишига музлаган қалбларни жунбушга, диллардаги қоронғуликни ёритишга имконият яратди. Ўзлигимизни англаш ҳиссиёти ниш ура бошлади.

Ёшлигимиздан бошлаб ҳамма нарса ман этилди. Ҳамма баравар бўлиши керак деган ғоя шууримизга сингдирилди. Бу эса юксалиш ўрнига худбинликка, ўз-ўзини алдашга олиб келди.

Бугун мен бола тарбиясини беланчакдаги гўдакка ўхшатаман. Ота-она худди ана шу беланчакни мактаб томонга йўналтирса, мактаб жамоатчиликка. Натижада масъулиятни ҳеч ким ўз зиммасига ололмаяпти. Демак, ёш авлодни тарбиялашда ота-она-мактаб-жамоатчиликнинг ўзаро алоқасини қайта тиклаш шарт.

Ишга автобусда бораман. Баъзида чиққанимга ҳам пушаймон бўламан. Кимдир, ҳей тур ўрнингдан, катталарга жой берсанг-чи? Мактабда ўқитувчинг айтмаганми? Тарбия кўрмаган! — дея сўз қотади. Бу сўзлар бадан-баданимни тешиб кетади. Юрагимга армон бўлиб санчилади? Дарров шарқ донишмандларидан Абдулқодир Нурий Ал-Барзанжийнинг қуйидаги ҳикматларини хаёлимдан ўтказаман: «Ўзингдан ёши улуғларни кўрдингми, дарҳол ўрнингдан тур, ҳурмат ва таъзим изҳор қил, дилларини оғритмайдиган муомалани ўйлаб топ! Кимки кексаларни ҳурмат қилса, кексалар ёшига етади. Ўзингдан катталар олдида беҳуда гапиравер-ма...» Ўйлаб ўйимга етолмайман. Шу сўзларнинг қайсиниси «коммунизмга» зид бўлган. Нега мактабда аждодларимизнинг бой тажрибаси ўқитилмади. Ўзбекистонда миллий мактабни барпо этишга саъй-ҳаракат бошланган экан, албатта шулар ҳисобга олиниши керак.

Фикримни шарқ донишмандларининг қуйидаги сўзлари билан якунлашга жазм қилдим. «Биз учун ҳаётда энг буюк ва шарафли бир йўл бор. Биз бу йўлдан асло чиқмаслигимиз керак. Бу инсонийлик йўлидир. Бу йўлга амал қилган киши ҳамиша бахту саодат соҳиби бўлади, бу йўл одамларга маънавий куч-қувват беради, кишини тўғри йўлдан тойдирмайди. Халқига ва қариндош-уруғларига қўлидан келган барча яхшиликни қилиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам кишининг инсонийлик бурчларидан ҳисобланади».

Мақсадимиз имонли, эътиқодли, ғурурли, одобли шахсни вояга етказиш экан, одобнома фанининг қадрини баланд кўтаришимиз шарт.

**Жўрабой ҲАЙДАРОВ,**
**Наманган вилояти Чуст шаҳридаги Чуст муаллимлар тайёрлаш билимгоҳининг ўқитувчиси.**

---

*Ўқитувчиларнинг август кенгашларига*

# ТИЛ ВА ТАҲЛИЛ

Ўзбек тилида таҳлил турлари жуда кўп. Масалан, фонетик таҳлил, морфологик таҳлил, синтактик таҳлил, бош бўлакли гап таҳлили, икки бош бўлакли гап таҳлили, сўз бирикмасини таҳлил қилиш, сўз таркиби бўйича таҳлил ва ҳоказо. Биз мақола давомида шу таҳлил турларидан баъзи намуналарни кўриб чиқмоқчимиз.

Фонетика маълум бир тилнинг нутқ товушларини ўрганади. Тилнинг ҳар бир ҳодисаси эса нутқ товушлари билан боғланган. У тилдаги ҳодисаларнинг юзага чиқишида, сўз ҳосил қилишда моддий база ҳисобланади.

Фонетик таҳлилда нутқ товушларининг табиати, турли фонетик ҳодисаларнинг қўшимчаларга таъсири ўрганилади. Ҳозир биз фонетик таҳлил билан танишамиз. Таҳлил қилиш учун аввал қуйидагилар амалга оширилади.

1. Сўзни овоз чиқариб, тўғри талаффуз қилиш.
2. Сўздаги товушлар ва ҳарфлар сонини айтиш.
3. Унли, ундошларни айтиш.
4. Ундош товушларни айтиш, уларнинг жарангли ёки жарангсиз ундошлигини айтиш.
5. Сўздаги бўғинлар сонини айтиш, урғули бўғинни аниқлаш, урғу тушган унлини кўрсатиш.

Е, Ё, Ю, Я ҳарфларини биз машғулотларда икки товушдан иборат деб келганмиз, таҳлилда ҳам шуларни таъкидлаймиз. Лекин бу ҳарфларнинг баъзан бир ундошни билдириб келишини унутмаслигимиз керак. Яъни, агар сўз бошида (ёз, ёш, янги, янтоқ, етим), бўғин бошида (қуёш, ҳадя, ҳаёт, дарё) айириш ва юмшатиш белгиларидан кейин келса (Яхъё, меъёр, пьеса, съёмка), икки товушни (е-йэ, ё-йо, ю-йу, я-йа) билдирса, икки ундошнинг ўртасида келса, бир ундошни билдиришини (бел, сел, салют, отряд) ва бел — бэл, сел — сэл, салют — салут, отряд — отрад, шаклида бир товушни билдиришини айтиб ўтишимиз шарт. Агар масаланинг мана шу нозик томонларига аҳамият бермасак, таҳлилни нотўғри қилган бўламиз.

Шунингдек, нг товуши тўғрисида ҳам ўқувчиларга тўғри билим беришимиз керак; нг товуши тонг, сўнг, бонг каби сўзларда бир товушни билдириб келади, аммо уларни икки ҳарф ҳисоблаймиз. Шунинг учун тонг сўзини таҳлил қилаётганда 4 та ҳарф, аммо 3 та товуш деб таҳлил қилишимиз лозим.

Энди «ялпиз» сўзини фонетик таҳлил қиламиз.

Фонетик таҳлил намунаси: ялпиз сўзида 5 та ҳарф (я, л, п, и, з) 6 та товуш (й, а, л, и, п, з), й, а, товушлари я ҳарфи билан ифодаланган. Унли товушлар 2 та: и, а; ундош товушлар 4 та: й, л, п, з; й, л, з, — жарангли ундош, п ундоши жарангсиз ундош; ялпиз сўзи икки бўғинли ял-пиз, урғу а унлисига тушган (й-а).

Қалъа — сўзида 5 та ҳарф (қ, а, л, ь, а), 4 та товуш (қ, а, л, а), 2 та унли товуш (а, а), 2 та ундош товуш (қ, л), л — жарангли, қ-жарангсиз, 2 бўғинли қалъ-а, урғу охирги а унлисига тушяпти.

Таҳлил намуналаридан яна бири сўз таркибини таҳлил қилишдир. Таҳлилнинг бу тури сўзларни тўғри ёзишда, қўшимчаларни тўғри ажрата билишда жуда қўл келади, чунки ўқувчи ўзак, қўшимча, негизларни тўғри ажрата олса, сўзларни ёзишда хатога йўл қўймайди.

### СЎЗ ТАРКИБИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Сўз овоз чиқариб ўқилади.
2. Сўз ўзаги айтилади.
3. Сўз ясовчи қўшимча аниқланади ва шундай сўз ясовчи қўшимчалари бўлган бир-иккита сўз айтилади.
4. Сўз ўзгартувчи қўшимча кўрсатилади, унинг маъноси аниқланади.
5. Сўзнинг негизи аниқланади, шу негиз қандай қисмлардан тузилгани айтилади.
6. Бир хил ўзакли сўзларга мисол келтирилади.

Намуна:

Ўқувчига: ўқи — ўзак, -чи — сўз ясовчи қўшимча. Бу қўшимчалар ишчи, колхозчи, темирчи сўзларида бор; -в қўшимчаси нарса отини, -чи қўшимчаси шахс отини ясайди.

Ўқув — негиз, ўзак ва сўз ясовчи қўшимчадан тузилган, ўқувчи — иккинчи негиз, ўзак ва иккита сўз ясовчи қўшимчалардан тузилган, -га — сўз ўзгартувчи қўшимча, жўналиш келишиги қўшимчаси; ўқувчи, ўқув, ўқиди, ўқиш каби сўзлар ўзакдош сўзлардир.

### СЎЗ БИРИКМАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Сўз бирикмасини кўрсатиш.
2. Сўз бирикмасининг тузилишини тушунтириш;
а) бош сўз ва эргаш сўзни аниқлаш;
б) бош сўз ва эргаш сўз туркуми билан ифодаланганлиги;
в) бош сўз билан эргаш сўзнинг бирикиш тури.
3. Сўз бирикмасининг грамматик маъноси.

Намуна:

Иккита саъва дўлана устига қўнди.

Бу гапда 3 та бирикма бор: иккита саъва, дўлана устига, устига қўнди.

Иккита саъва — сўз бирикмаси, бош сўз — саъва, эргаш сўз — иккита, бош сўз от билан, эргаш сўз сон билан ифодаланган, бош сўз билан эргаш сўз битишув йўли билан бириккан, предметни (саъва) ва унинг сон-саноғини билдириб келяпти.

Дўлана устига — бирикма, бош сўз устига, эргаш сўз дўлана, бош сўз равиш билан, дўлана от билан (устига сўзи кўмакчи вазифасида келяпти, кўмакчи бирикма) ифодаланаяпти. Бош сўз билан эргаш сўз мослашув йўли билан бирикяпти, белгисиз, предметни ва унинг ўрнини билдиряпти.

Дўлананинг устига қўнди — сўз бирикмаси, бош сўз — қўнди, эргаш сўз — дўлананинг устига, бош сўз — феъл билан, эргаш сўз — бирикма билан ифодаланган. Бош сўз эргаш сўз билан — га қўшимчаси орқали бошқарув йўли билан бириккан, иш-ҳаракатининг бажарилиш ўрнини билдириб келяпти.

Энди сўзларни морфологик таҳлил қиламиз. Морфологик таҳлил дейилганда, сўзни туркумларга ажратиш, ҳар бир туркумга хос грамматик категорияларни, сўз формаларини аниқлаш кўзда тутилади. Сўз туркумларини таҳлил қилиш тартибини англаш жуда муҳимдир. Ҳар бир сўз туркумини таҳлил қилаётганда, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтиш керак. Масалан, отни таҳлил қилаётганда атоқли ёки турдош от эканлигини, феълларни таҳлил қилаётганда замонлари қайта-қайта айтилса, болаларнинг эсида яхши қолади.

Энди сўз туркумларидан анча мураккаб бўлган феъл туркумидан бир сўзни таҳлил қиламиз:

1. Қайси сўроққа жавоб бўлади?
2. Гапдаги қайси сўз билан боғланган?
3. Гапдаги вазифаси.
4. Ноаниқ шакли.
5. Бўлишли, бўлишсиз феъл.
6. Шахс сони.
7. Замони.
8. Ўтимли, ўтимсиз феъл.
9. Нисбати.
10. Майли.

### ТАҲЛИЛ НАМУНАСИ:

Ўктам этигини аскарча қунт билан тозалади.

Тозалади — феъл, нима қилди? сўроғига жавоб бўлади, Ўктам билан боғланган, кесим, ноаниқ шакли тозаламоқ, бўлишли, учинчи шахс бирликда, яқин ўтган замон феъли, ўтимли феъл, аниқ нисбат, хабар майли.

Синтаксисни ўрганишда, грамматик қонун-қоидаларни изчил ўзлаштиришда синтактик таҳлил беқиёс аҳамиятга эгадир. Тилнинг грамматик қурилиши, унинг назарий-амалий асосларини эгаллашда синтактик таҳлил, айниқса, зарурдир. Синтактик таҳлил назарий билимларни амалий ўзлаштириш, яхшироқ идрок қилиш малакаларини ҳосил қилади ва уни мустаҳкамлайди.

Таҳлил ўтказишда системалилик ва изчилликка риоя қилиш лозим. Синтаксиснинг йирик бўлимлари ва мавзулари ўтиб бўлиниб, дарсларда шу мавзу ва бўлимларга оид назарий грамматик маълумотлар мустаҳкамланиб бориб, зарурий малака ва билим, тасаввур ҳосил қилингач, таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шуни таъкидлаш лозимки, синтаксиснинг йирик мавзулари ва қисмлари бўйича бирданига тўлиқ таҳлил ўтказиш қийин. Масалан, гап бўлаклари ўтилгандан кейин бош ва иккинчи даражали бўлаклар бўйича грамматик таҳлил ўтказиш мумкин, аммо бу таҳлил тўлиқ характерга эга бўлмайди. Гап бўлаклари бевосита алоқадор бўлган масалалар, жумладан, гап бўлакларининг тартиби, синтактик вазифа бажармайдиган элементлар ҳам грамматикада муҳим аҳамиятга эгадир.

Синтаксисда қуйидаги мавзулар бўйича таҳлил ўтказиш мумкин:

1. Сўз бирикмаси бўйича.
2. Содда гап бўйича: бир бош бўлакли содда гап ва икки бош бўлакли содда гап.
3. Гап бўлаклари бўйича.
4. Қўшма гап бўйича: боғланган, боғловчисиз ва эргашган қўшма гап.
5. Кўчирма гап бўйича.

Бизнингча, таҳлилни пухта ўзлаштирган ўқитувчини ўз фанининг устаси десак бўлади. Чунки таҳлил қилиш учун бутун она тили фани бўйича ўтиладиган мавзулар ҳақида мукаммал, тўлиқ маълумотга эга бўлиш керак. Шундай ўқитувчиларгина ўқувчиларга пухта билим бера олишлари мумкин.

**Г. ИМОМОВА,**
**Самарқанд шаҳридаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

